

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**501 Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» та-
мойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона
марказлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги
низомга ўзгартириш киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республи-
касининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози
ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2015 йил 22 декабрдаги
ПҚ-2455-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида» 2016 йил 23 сен-
тябрдаги ПҚ-2610-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда маҳаллий бюд-
жетлар даромадларини янада оптималлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳ-
камаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 декабрдаги 358-сон қарори
(Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 12-сон, 107-модда) билан тасдиқ-
ланган Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» таможили бўйича давлат
хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини ташкил этиш тартиби
тўғрисидаги низомнинг 13-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«13. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан кўрсатилаётган
рўйхатга киритилган давлат хизматлари учун тушадиган давлат божлари,
йиғимлар ва бошқа тўловлар маблағлари суммаси, қонун ҳужжатларида
белгиланган ҳолатлардан ташқари, «ягона дарча» марказлари даромадлари-
га тегишли ғазначилик бўлимлари томонидан махсус очилган ҳисоб рақам-
ларига ўтказилади ҳамда фақат «ягона дарча» марказларининг моддий-тех-
ника базасини мустаҳкамлашга, ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга ва улар-
ни рағбатлантиришга йўналтирилади.

«Ягона дарча» марказлари даромадларига ўтказиладиган давлат божла-
ри, йиғимлар ва бошқа тўловлар маблағлари миқдори Ўзбекистон Респуб-
ликаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда аниқланади».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-
публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.С. Ази-
мов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 21 октябрь,
357-сон